
Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Фарғона ва Сўғд бизнес-форуми

Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган Фарғона ва Сўғд бизнес-форумида савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан умумий қиймати 19 миллион доллар бўлган 11 та ҳужжат имзоланди

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят делегациясининг Тожикистоннинг Сўғд вилоятига сафари дастури доирасида Хўжанд шаҳрида Фарғона ва Сўғд бизнес-форуми ҳамда икки вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 20 дан ортиқ Фарғона вилояти корхоналари 80 турдан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Шунингдек, икки вилоятнинг 100 дан ортиқ тадбиркорлари иштирок этган бизнес-форум ўтказилди. Унда ҳар икки ҳудуднинг инвестициявий, экспорт ва туризм салоҳиятлари тақдимот қилинди.

2022-09-12 11:56:54